МУҲАММАДЁҚУБ ОСТОНАҚУЛОВ

БЮДЖЕТ ТАШКИЛОТЛАРИДА БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИ

Тўла қайта ишланган
тўринчи нашр

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги
томонидан олий ўқув юртлари талабалари учун
ўқув қўлланма сифатида тавсия этилган

5 943

Тошкент
«IQTISOD-MOLIYA»
2011

657(07)
О-84

УДК: 657.1(575.1)
336.145(575.1)
БДК: 65.9(5Ўзб)я73
0-84

М. Остонақулов. Бюджет ташкилотларида бухгалтерия ҳисоби. Тўртинчи нашр. – Т.: «IQTISOD-MOLIYA», 2011, – 520 бет.

Ўқув қўлланма бюджет ташкилотларида бухгалтерия ҳисобини ташкил қилиш, пул маблағлари ва харажатлар, бюджет ва бюджетдан ташқари фондлар билан ҳисоб-китоблар, асосий воситалар, бошқа узоқ муддатли номолиявий активлар ва ноишлаб чиқариш активлари, товар-моддий захиралар, номолиявий активларга қўйилмалар, ходимлар, стипендия олувчилар, турли дебитор ва кредиторлар билан ҳисоб-китоблар, маҳсулотлар (ишлар, хизматлар) реализацияси, мулк инвентаризацияси ва молиявий натижалар ҳисобини юритиш ҳамда даврий ва йиллик ҳисоботларни тузиш ва тақдим этиш масалалари «Бюджет ташкилотларида бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги йўриқнома» (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2010 йил 22 декабрда 2169-сон билан рўйхатга олинган) ва бошқа меъёрий ҳужжатлар асосида ёритилган.

Мазкур ўқув қўлланма олий ўқув юртлари талабалари учун мўлжалланган бўлиб, бундан бюджет ташкилотларининг бухгалтерлари, ўрта махсус таълим ўқув юртлари талабалари, бюджет ташкилотларининг бухгалтерлари ва иқтисодчилари малакасини ошириш институтлари, марказлари ва курсларининг тингловчилари фойдаланишлари мумкин.

Тақризчилар:

Ибрагимов А. –Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академияси «Бухгалтерия ҳисоби, таҳлил ва аудит» кафедраси мудири, и.ф.д., профессор;

Ҳасанов Б. – Тошкент давлат иқтисодиёт университети «Иқтисодий таҳлил ва аудит» кафедраси мудири, и.ф.д., профессор.

Барча ҳуқуқлар ҳимояланган.

Ушбу китобнинг ҳеч бир қисмини муаллиф томонидан олдиндан берилган ёзма розилигисиз электрон, механик ёки ҳозир маълум бўлган ёки кейинчалик ихтиро қилинган бошқа воситалар, шу жумладан сканирлаш, фотокўчирма олиш ёки ёзиб олишнинг бошқа воситалари ёрдамида ёхуд ахборотни сақлаш ва излашнинг ҳар қандай тизимида тўлиқ ёки қисман кўчириш ва таржима қилиш, қайта нашр этиш ва такрорлаш тақиқланади.

ISBN 978-9943-13-327-3

© Муҳаммадёқуб Остонақулов, 2007, 2009, 2010, 2011.
© «IQTISOD-MOLIYA», 2007, 2009, 2010, 2011.

У|К 6816
TDIU
kutubxonasi

БИРИНЧИ БОБ

БЮДЖЕТ ТАШКИЛОТЛАРИДА БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШ

1. Бюджет ташкилотларида бухгалтерия ҳисобининг вазифалари ва мазмуни

Бюджет ташкилоти – бу зиммасига юклатилган вазифаларни бажариш билан боғлиқ бўлган ўз фаолиятини амалга ошириши учун давлат бюджетидан маблағ ажратиш назарда тутилган ва бу маблағ молиялаштиришнинг асосий манбаи ҳисобланадиган давлат ташкилотидир. Бюджет ташкилотлари давлат функцияларини бажарувчи, давлат томонидан назорат қилинадиган ва давлат бюджетидан молиялаштириладиган институционал бирликлар ҳисобланади.

Бюджет ташкилотларида бухгалтерия ҳисобининг мақсади бўлиб, фойдаланувчиларни тўла, аниқ ва ўз вақтида молиявий ва бошқа бухгалтерия маълумотлари билан таъминлаш ҳисобланади.

Бюджет ташкилотларида бухгалтерия ҳисобининг вазифаси бўлиб эса бухгалтерия ҳисоби счётларида активларнинг ҳолати ва ҳаракати, мулкий ҳуқуқлари ва мажбуриятларининг ҳолати тўғрисидаги тўла ва аниқ маълумотларни шакллантириш; самарали бошқариш мақсадида бухгалтерия ҳисоби маълумотларини умумлаштириш ҳамда молиявий, солиқ ва бошқа ҳисоботларни тузиш ҳисобланади.

Бухгалтерия ҳисобининг асосий принциплари бўлиб: бухгалтерия ҳисобини икки ёқлама ёзиш усулида юритиш; узлуксизлик; хўжалик операциялари, активлар ва пассивларнинг пулда баҳоланиши; ишончлилик; ҳисоблаш; эҳтиёткорлик (олдиндан мувофиқ билиш); мазмуннинг шаклдан устунлиги; кўрсаткичларнинг қиёсийлиги; ҳисоботнинг бетарафлиги; ҳисобот даври даромадлари ва харажатларининг мувофиқлиги; активлар ва мажбуриятларнинг ҳақиқий баҳоланиши ҳисобланади.

Бухгалтерия ҳисобининг икки ёқлама ёзиш усули билан юритиш принципи бюджет ташкилотларида хўжалик операцияларини бухгалтерия ҳисобида икки ёқлама ёзиш асосида рўйхатга